

МАҚОЛА ВА ТЕЗИСЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ:

1. Материаллар фақат телеграм тармоғи орқали бириктирилган файл шаклида (тезислар/мақола) йўналишини кўрсатган ҳолда қабул қилинади.

2. Матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

3. Келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

4. Мақоланинг номи билан бирга, ўзбек, рус ва инглиз тилларида қисқача аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши;

5. Матн ўзбек, рус ёки инглиз тилларидан бирида тақдим этилиши;

6. Матн компьютерда **Microsoft Word** дастурининг **Cambria** шрифтида 14 катталиқда 1,0 интервалда ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши, ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

7. Мақолада мавзунинг долзарблиги, илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши, иқтибослар 10 катталиқдаги шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши (иқтибослар тегишли бетнинг пастки қисмида келтирилиши);

8. Мақоланинг ҳажми 6 бетдан 10 бетгача, тезиснинг ҳажми 3-4 бет бўлиши;

9. Мақоланинг биринчи саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилиши;

10. Агар муаллифда илмий даража (PhD) бўлмаса, мақолага тўпламда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи олим ёки мутахассиснинг ёхуд муаллиф, тадқиқотчи фаолият юритадиган муассаса ёки унинг таркибий тузилмаси (кафедра) раҳбарининг тақризи бўлиши шарт. *(Тегишли талаб бўйича тақризи бўлмаган мақолалар қабул қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди).*

Ташкилий кўмита маърузалар тезислари ва мақолаларни саралаш ҳамда уларни электрон кўринишда чоп этишни ўз зиммасида қолдиради.

Материаллар ушбу Ахборот хатида баён этилган қатъий талаблар асосида қабул қилинади.

Илмий мақола ва тезислар ўзбек, инглиз ёки рус тилларида **2024 йил 25 апрель** кунига қадар **Шодиев Ғулом Махамматовичнинг (+998 97 402 80 08)** телеграмм манзилига юборилиши лозим.